

# Дунёнинг энг яхши ҳузури солиҳа аёлдир | Сийрат дарслари (308-дарс)



19:00 / 22.11.2024 843

537. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга: **«Эй ёшлар жамоаси, сиздан ким никоҳга қодир бўлса, уйлансин. Албатта, у кўзни тўсувчи ва фаржни сақловчидир. Ким қодир бўлмаса, рўзани лозим тутсин, бу - унинг учун бичилишдир»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

538. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Дунёнинг бари ҳузур-ҳаловатдир ва дунёнинг энг яхши ҳузури солиҳа аёлдир»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

539. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аёл тўрт нарса учун никоҳланади: моли учун, насаби учун, жамоли учун ва дини учун. Сен диндорини танлагин, қўлинг тупроққа қорилгур»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

540. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳузурингизга динидан ва хулқидан ўзингиз рози бўлган киши совчилик қилиб келса, унга** (сўраганини) **никоҳлаб беринг. Агар шундай қилмасангиз, ер юзида фитна ва улкан фасод бўлур»**, дедилар».

*Термизий, Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилишган.*

541. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«(Отам) Абдуллоҳ вафот этиб, тўққиз ёки етти қиз қолдирди. Жувон аёлга уйландим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: **«Эй Жобир, уйландингми?»** дедилар. «Ҳа», дедим. **«Бокирагами ёки жувонга?»** дедилар. «Жувонга, Эй Аллоҳнинг Расули», дедим. **«Бокирага уйланганингда, сен у билан ўйнашар эдинг, у сен билан ўйнашар эди, - ёки «У билан кулишардинг, у сен билан кулишарди»**, - дедилар. «Абдуллоҳ вафот этиб, тўққиз ёки етти қиз қолдирди. Уларга тенгларини олиб келишни истамадим. Уларга қарайдиган, одоб берадиган аёл келтиришни истадим», дедим. «Аллоҳ сенга барака берсин!» дедилар. Ёки менга яхши гап айтдилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

### ***Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хulosаси асосида чоп этилган.